

## СУД БОСҚИЧИДА ПРОЦЕСС ИШТИРОКЧИЛАРИНИ ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

**Ш.Х.Хақназаров**

Судьялар олий мактаби мустақил изланувчиси

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7672378>

Аннотация. Мазкур мақолада суд босқичи жараёнларида жиноят процесси иштирокчиларнинг хавфсизлигини таъминлаш чора-тадбирлари таҳлил қилинган. Ушбу чора-тадбирларни қўллашда камчиликлар аниқланиб, хавфсизлик чоралари рўйхатини кенгайтириш бўйича таклифлар билдирилди. Шунингдек, миллий ва хорижий қонунчилик билан бирга, олимларнинг фикрлари ҳам таҳлил қилинган.

Калит сўзлари: суд муҳокамаси, хавфсизлик чоралари, жабрланувчи, гувоҳ, жиноят процесси.

Аннотация. В данной статье проанализированы меры по обеспечению безопасности участников уголовного судопроизводства в ходе судебного разбирательства. Выявлены недостатки в применении данных мер, внесены предложения по расширению перечня мер безопасности. Также наряду с национальным и зарубежным законодательством были проанализированы и мнения ученых.

Ключевые слова: судебное разбирательство, меры безопасности, потерпевший, свидетель, уголовный процесс.

Annotation. This article analyzes measures to ensure the safety of participants in criminal proceedings during the trial. Shortcomings in the application of these measures were identified, proposals were made to expand the list of security measures. Also, along with national and foreign legislation, the opinions of scientists were analyzed.

Keywords: trial, security measures, victim, witness, criminal process.

Сўнгги йилларда амалга оширилган суд-ҳуқуқ ислохотлари суд ҳокимияти мустақиллигини ҳамда судлар фаолиятида очиқлик ва шаффофликни таъминлаш билан бир қаторда фуқаро ва тадбиркорларнинг ҳуқуқ ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтириш имконини берди.

2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида белгиланган вазифаларга мувофиқ, шунингдек, суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллигини таъминлаш, судлар фаолияти самарадорлиги ва одил судлов сифатини ошириш мақсадида Стратегия

доирасида қўйидагилар одил судловни таъминлашнинг устувор вазифалари этиб фуқаролар ҳамда тадбиркорларга ўз ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини судларда ҳимоя қила олиши учун барча имкониятларни яратиш, суд ишларини юритишда тортишув ва тарафларнинг тенглиги тамойилларини тўлақонли рўёбга чиқариш, судларнинг холислигини амалда таъминлашга қаратилган қонунчиликни такомиллаштириш шунингдек, судьяларнинг мустақиллиги ва дахлсизлиги кафолатларини кучайтириш, судга ҳурматсизлик қилиш ва суд ишига аралаштириш ҳолатларининг олдини олиш бўйича самарали механизмларни ишлаб чиқиш белгиланган<sup>1</sup>.

Суд муҳокамасига тайёргарлик кўриш ва суд мажлисини ўтказишда суднинг ўрни муҳим, чунки таёргарлик ҳаракатлари бевосита барча жиноят-процессуал кўрсатмаларни бажариш учун тегишли шарт-шароитларни яратишга, жиноят процесси тамойилларини амалга оширишга ва жиноят ишида далиллар бўйича жараён иштирокчиларининг тенглигини таъминлашга қаратилган.

Жиноят процессининг ушбу босқичи жиноий ишларини суд муҳокамасига қўйишда ўзига хос филтр вазифасини ўтайди. Судья ўз иш юритувида олган жиноят иши материалларини, биринчи навбатда, судгача бўлган иш юритишда барча процессуал кўрсатмаларга риоя этилиши таъминланганлигини текширади, шу жумладан, жиноят процесси иштирокчилари хавфсизлигини таъминлаш ҳам киради.

Бундан ташқари, иштирокчиларнинг хавфсизлигини таъминлаш, агар бунинг учун асослар ва сабаблар мавжуд бўлса, нафақат иш бўйича адолатли якуний қарор қабул қилишга таъсир қилади, балки суд жараёни иштирокчиларининг ҳуқуқларини амалга оширишнинг жиддий кафолати ҳам ҳисобланади. Шунингдек, суд муҳокамасида дастлабки тергов жараёнида йўл қўйилган хатолар ва қонун бузилишлари ҳамда кейинги иш юритиш ва иш бўйича қарор қабул қилишга тўсқинлик қиладиган ҳолатлар аниқланиши мумкин. Ушбу масалада олиб борилган ижтимоий сўровлар ҳам деярли қайд этиб ўтилган фикрларни тасдиқлайди.

Суд жараёнида қўйидаги жиноят-процессуал хавфсизлик чораларини қўллаш имкониятини беради:

- 1) ёпиқ суд мажлиси (ЖПК 19-модда);

<sup>1</sup> “Одил судловга эришиш имкониятларини янада кенгайтириш ва судлар фаолияти самарадорлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони 16.01.2023 йилдаги ПФ-11-сон.



- 2) жиноят процесси иштирокчиларининг илтимосномасига кўра аудио-ва видеоёзудан ҳамда видеоконференцалоқа режимида ўтказилиши мумкин (ЖПК 19-модда);
- 3) суд мажлисига чақирилиши лозим бўлган шахслар рўйхатида уларни тахаллуслари кўрсатилиши (ЖПК 380-модда);
- 4) жиноят иши жиноят содир этилган жойдан, бошқа жойда суд муҳокамасини кўриш хавфсизлик чораларининг бир тури сифатида кўриш мумкин (ЖПК 48-боб);
- 5) гумонланувчи, айбланувчи, судланувчи, жабрланувчига, гувоҳга, худди шунингдек уларнинг қариндошлари ва яқинлари телефонлар ва бошқа телекоммуникация қурилмалари орқали олиб бориладиган сўзлашувларни эшитиб туриш (ЖПК 170-модда);
- 6) суд уларнинг шахсига оид маълумотларни ошкор қилмасдан, таниб олинувчининг таниб олувчини кўриб туриши истисно этиладиган шароитда сўроқ қилиш (ЖПК 127-модда).

Бироқ, юқорида келтирилган хавфсизлик чоралари, ҳимоя чораларини бир дебеча ҳисобланади, агар улар комплекс тарзда қўлланилмаса, барча амалга оширилган процессуал ҳаракатлар беҳудага кетиши мумкин.

Ушбу параграфда суд муҳокамасига тайёргарлик кўриш ва суд мажлисини ўтказишда хавфсизлиги чораларини қўллашнинг умумий тавсифини кўриб чиқамиз.


Суд мажлисида ҳимоя чоралари қўлланилган шахсларга руҳий ёки жисмоний таъсир этиши мумкин бўлган таҳдидни бартараф этиш мақсадида қонунда ошкораликни чеклаш шартлари белгиланган.

Ёпиқ суд мажлиси, суднинг ахборот хавфсизлигини таъминлаш билан боғлиқ томонига қаратилган. Ёпиқ суд мажлисини ўтказиш учун асослар мавжуд бўлганда, хавфсизликни таъминлаш бўйича қуйидаги қўшимча чоралар қўллаш мумкин:

Тахаллус остида иштирок этаётган шахсларни хавфсизлигини таъминлаш мақсадида хавфсиз хона ташкил этиш ва жамоатчилик иштирокисиз сўроқ қилиш;

Суд муҳокамаси иштирокчиларидан ва суд залида ҳозир бўлган бошқа шахслардан жиноят процесси жараёнида уларга маълум бўлган маълумотларни ошкор этмаслик тўғрисида тилхат олиш;

Ҳимояланган шахсларга оид маълумотларни танишиб чиқиш ҳуқуқи эга бўлмаган шахслардан сир тутиш чораларини кўриш;



Ҳимоя остидаги шахсларнинг суд муҳокамасида таҳаллус билан иштирок этиши (ўзгартирилган биографик маълумотлар, шу жумладан ҳукмда таҳаллусдан фойдаланиш)<sup>2</sup>;

Таҳаллус остидаги шахсларни кузатилишини истисно қиладиган шароитларда судга етказиш<sup>3</sup>.

Юқоридаги хавфсизлик чоралари ҳимоя остидаги шахсларга судда иштирок этишга тўсқинлик қилиш ва уларга ғайриҳуқуқий таъсир кўрсатишни олдини олишга қаратилган.

Келинг, юқорида келтирилган ҳар бир хавфсизлик чораларини бирма-бир таҳлил қилиб чиқамиз.

ЎзР ЖПКнинг 127-моддаси 6-қисмига биноан, таниб олувчининг хавфсизлигини таъминлаш мақсадида шахсни таниб олиш учун кўрсатиш суриштирувчи, терговчи, прокурор ёки суднинг қарорига кўра таниб олинувчининг таниб олувчини кўриб туриши истисно этиладиган шароитларда ўтказилиши мумкинлиги белгилаб қўйган.

Кўриб чиқиладиган чора-тадбирларнинг мамзун-моҳияти шундан иборатки, таниб олинувчининг таниб олувчини кўриб туриши истисно этиладиган шароитларда ўтказилиши идентификация қилинадиган шахснинг ташқи маълумотларини кўришга ва эслаб қолишга имкон бермайди. Бундай шартлар таниб олувчи шахсга фикрини эркин ифодалашга ва маълумотларни тўлиқ етказилишида. Визуал кузатиш шароитларда шахсни аниқлаш асосан жабрланувчи ва гувоҳнинг хавфсизлигини таъминлаш учун, камроқ ҳолларда айбланувчини ҳимоя қилиш учун қўлланилади.

Визуал кузатиш муаммоларини ҳуқуқий тартибга солиш масалалари олимларнинг эътиборини тортади.

О.В.Виноградовнинг фикрича, визуал шароитида шахсни таниб олишни ўтказиш, айниқса вояга этмаган гувоҳ, жабрланувчининг руҳий жароҳатланишини истисно қилиш билан бирга, бу чора уларга қарши таҳдидни бартараф этишда ҳам муҳимдир<sup>4</sup>.

А.В.Яшин ҳам мазкур масалага қўшимча фикр билдирган. Унинг таъкидлашича, иштирокчиларнинг хавфсизликни таъминлаш мақсадида жараён иштирокчилари шахсни терговчи ёки сўроқ қилувчининг хонасида

<sup>2</sup> Епихин А. Ю. Безопасность личности в уголовном судопроизводстве: Учебное пособие. – Сыктывкар, 2004. – С. 69.

<sup>3</sup> Брусницын Л.В. Обеспечение безопасности участников процесса: возможности и перспективы развития УПК // Российская юстиция. – 2003. – № 5. – С. 48–49.

<sup>4</sup> Виноградова О.В. Обеспечение прав несовершеннолетних потерпевших на досудебном этапе уголовного судопроизводства // Новый юридический журнал. 2014. № 3. С. 113–118.

эмас, балки унинг жойлашган жойида сурат ёки видео тасвир орқали аниқлашлари мумкин<sup>5</sup>.

Шундай қилиб, визуал шароитда шахсни таниб олиш жиноят процесси учун муҳимлигини, айниқса, шахсларнинг ҳаёти ва соғлиғи хавфсизлигини таъминлаш зарурлигини ҳисобга олинади.

Жиноят иши жиноят содир этилган жойдан, бошқа жойда суд муҳокамасини олиб бориш, ЖПКнинг 48-бобида назарда тутилган асосларда, жиноят ишининг ҳудудий юридикциясига таълуқли бўлмаган жойга ўзгартириш тўғрисидаги масала юқори турувчи суднинг раиси томонидан ҳал қилинади.

Жиноят ишини кўриб чиқиш бўйича бошқа ҳудудий юридикция тегишли бўлмаган судга ўтказишдан мақсад, жиноят ишини холис ва объектив кўриб чиқиш, инсон ва фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш бўйича ўзига юкланган давлат функциясини бажариши учун зарур шarti ҳисобланади. Объективлик, ишнинг фактик ҳолатларини аниқлаш ва баҳолашга қаратилган категориядир, холислик эса, ишда иштирок этувчи шахсларга нисбатан муносабатдир.

Демак, суд муҳокамасини бир жойдан, бошқа жойга ўтказиш, биринчи навбатда ҳимоя остидаги шахсларни хавфсизлигини таъминлаш бўлса, иккинчидан эса, инсон ва фуқаролар иш бўйича ўз фикрларини эркин билдириш ва қарор устидан шикоят қилиш имкониятига эга бўладилар.

Мазкур масалага Россия ва Қозоғистон жиноят процессуал қонунчилиги эътибор қаратиш мақсадга мувофиқ.

Россия Федерациясининг Жиноят-процессуал кодекси 35-моддаси 4-қисмида суд муҳокамаси иштирокчилари хавфсизлигини таъминлаш мақсадида ишни бир суддан бошқа судга ўтказилиши мумкинлиги кўрсатилган<sup>6</sup>. Чунончи, Россия Федерацияси Бош прокурори ёки унинг ўринбосарининг илтимосига биноан, агар суд муҳокамаси иштирокчилари, уларнинг яқин қариндошлари ёки яқин шахсларининг хавфсизлигига реал таҳдид мавжуд бўлса, Россия Федерацияси Олий судининг қарори билан жиноят содир этилган жойдан, бошқа жойдаги судга кўриб чиқиш учун топширилиши мумкин.

Худди шундай хавфсизлик чоралари Қозоғистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси 317-моддасида ҳам ўрнатилган, яъни

<sup>5</sup> Яшин А.В. Уголовно-процессуальные нормы как одно из средств предупреждения преступлений против участников уголовного судопроизводства // Современное право. 2011. № 10. С. 123-125.

<sup>6</sup> "Уголовно-процессуальный кодекс Российской Федерации" от 18.12.2001 N 174-ФЗ (ред. от 29.12.2022) (с изм. и доп., вступ. в силу с 09.01.2023).

тарафларнинг илтимосига биноан, судьянинг ёки суд раисининг тақдимномасига биноан, агар суд ишни холис, объектив ва тўсқинлик қилиш ҳолатлари ёки бошқа судга ўтказиш шахсий хавфсизлигига реал таҳдид билан боғлиқ бўлса, ишни кўриб чиқиш учун бир хил даражадаги суддан бошқа судга ўтказилиши ҳақида кўришимиз мумкин<sup>7</sup>.

Жиноят процессуал кодексида назарда тутилган навбатдаги хавфсизлик чораларидан бири, шахсга доир маълумотларни суд босқичида сир сақланишини таъминлаш билан боғлиқ.

Бугунги кунда миллий жиноят процессуал қонунчилигимизда махфий маълумотларни ўз ичига олган жиноят ишлари билан танишиб чиқиш тартиби билан боғлиқ амалдаги нормаларини ҳуқуқий тартибга солиш ҳали ҳам долзарб ҳисобланади.

Чунки, амалдаги жиноят процессуал кодексида тахаллус остида иштирок этаётган шахсларга доир маълумотларни сир сақлаш ва махфий жиноят ишларини юритиш қоидаларини ўз ичига олувчи процессуал ҳужжатлар ҳақида ҳеч нарса айтилмаган ва расмий равишда судья фақат танишиб чиқишни истисно этувчи қарор қабул қилиш мумкин. Бизнинг фикримизча, ҳимоя қилиш билан боғлиқ тартибга солувчи нормалар тадбиқ қилинмаса, хавфсизлик кафолатларини самарали ишлашига тўсқинлик қилиши мумкин.

Демак, дастлабки тергов босқичида шахсга доир маълумотлар сир сақлаш тўғрисидаги қарор қабул қилинган бўлса, судья жиноят иши материалларини сир сақлаш қоидаларига мувофиқ олиб боради ва процеснинг бошқа иштирокчиларига тахаллус остида қатнашаётган шахсларга доир маълумотларни танишиб чиқиш имкониятини истисно қилиш чораларини кўради. Юқорида таъкидланганидек, тахаллусдан фойдаланиш тегишли қарор чиқаришдан ташқари, жиноят иши юритиш давомида тахаллус остидаги шахсга доир маълумотлар жиноят иши материалларидан алоҳида муҳрланган ҳолатда сақланади. Шу муносабат билан, суд муҳокамаси давомида хавфсизлик чораларига риоя қилган ҳолда юритилади. Тахаллус остидаги шахсга доир маълумотлар билан танишиб чиқиш фақат, ишни юритаётган шахсларга рухсат берилиши мумкин. Кўриниб турибдики, тахаллус остидаги шахсга доир маълумотлар билан танишиб чиқиш чораларини олдини олиш бўйича судьяга қўшимча мажбурият юклайди. Процессуалист олимлардан бирининг таъкидлашича, махфий юритилган жиноят иши материалларида тахаллус остидаги

<sup>7</sup> Уголовно-процессуальный кодекс Республики Казахстан от 4 июля 2014 года № 231-V (10.01.2022 г.).

шахсга доир маълумотлар солинган конвертни очишда фақат жиноят ишини юритувчи судья иштирок этиши мумкин<sup>8</sup>.

Бундай тақиқловчи чораларнинг шартланганлик сабаби, ҳуқуқни қўллаш амалиётида процессуал ҳужжатларни сақлаш қоидаларига масъулятсизлик билан муносабатда бўлиш билан изоҳланади, тўғри тахаллус остидаги шахсга доир маълумотлар жиноят иши материалларидан алоҳида сақланади, лекин махфий режимга риоя қилмасдан сақланганлик ёки жиноят иши материалга махфийлик қоидаларига риоя қилмаган ҳолда тикиб қўйиш билан боғлиқ<sup>9</sup>.

Айтиш жоизки, дастлабки тергов босқичида шахсларга нисбатан ҳимоя чоралари кўрилмаган ҳолатлари ҳам учраб туради, бунда ишни тайинлаш босқичида жараён иштирокчиларининг хавфсизлигини таъминлаш зарурати пайдо бўлиши мумкин. Лекин, қонун чиқарувчи суд муҳокамаси босқичида жиноят процесси иштирокчисининг хавфсизлигини таъминлаш билан боғлиқ қоидаларини аниқлаштирмаган. Агар суд ишни тайинлаш ва муҳокама қилиш жараёнида процесс иштирокчиларига нисбатан таҳдид мавжудлиги ҳақида хабар топса, бунда судья жиноят ишидаги аниқ вазиятдан келиб чиқиб хавфсизлик чораларини кўриши шарт ҳамда бу ҳақда процесс иштирокчиларига тегишли равишда ва ўз вақтида хабардор қилиши лозим бўлади. Аммо, жиноят процессуал кодексининг ўзида судья бу ҳолатда қандай чоралар кўриши кераклиги кўрсатилмаган.

Шу мақсадда, ҳимоя чоралари қўлланилган шахсларни хавфсизлигини таъминлаш мақсадида бундай чораларини аниқлаштириш ва таклифлар бериш мақсадга мувофиқ бўлади.

Шу билан бирга, жиной процесс иштирокчилари хавфсизлигини фақат жиноят-процессуал хусусиятга эга бўлган ҳолда таъминлаш етарли эмасдек кўринади. Бизнинг фикримизча, "Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида"ги қонунида белгиланган процессуал бўлмаган, хусусан, тезкор-қидирув тадбирларини кўриб чиқиш мақсадга мувофиқдир, бу жараёнда хавфсизликни таъминлаш учун ҳам қўлланилиши мумкин.

<sup>8</sup> Брусницын Л.В. Обеспечение безопасности лиц, содействующих уголовному правосудию: мировой опыт и развитие российского законодательства (процессуальное исследование). М., 2010. С. 82.

<sup>9</sup> Саморока В.А., Бекетов М.Ю. Проблемы соблюдения конфиденциальности сведений о защищаемом лице при обеспечении безопасности участников уголовного судопроизводства // Уголовное право. 2010. № 5. С. 95-97.